O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 8 июль, пайшанба № 81 (1969).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 8 июля, 2004 г. № 81 (1969).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.


## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 июль куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайлони қабул қилди.

МДҲни ривожлантириш йўлида муайян муаммолар вужудга келгани сир эмас. Аъзо мамлакатларда эса Ҳамдўстликдаги вазиятни тубдан ўзгартиришга иштиёқ катта. Мамлакатимиз раҳбари бундай ўзгаришларни амалга оширишда кўпчиликнинг фикрига, биринчи навбатда Россия томонининг нуқтаи назарига таяниш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

В. Рушайло Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан. Ижрочи котиб лавозими унинг зиммасига МДҲ мамлакатларидаги вазият ва қарашларни ўрганиб, зарур режа ва тавсияларни ишлаб чиқиш вазифасини юклайди. Меҳмон Ҳамдўстликни ривожлантиришда Ўзбекистон илгари сурган ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Ҳозир МДҲ доирасидаги муносабатларда эркин савдо зонаси барпо этиш, аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари янада долзарблашмоқда. Ҳамдўстлик доирасида ташкил этилган тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи омилларга қарши ҳамкорликда курашни кучайтиришга оид масалалар ҳам шулар сирасига киради.

Оқсаройдаги учрашувда МДҲ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилар экан, ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Ҳамдўстликнинг сентябрга мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА).

## Муҳим сиёсий воқеа арафасида

Фарғона вилояти ҳокимлигида ташкил этилган ҳудудий семинарда мамлакат парламентига декабрда бўлиб ўтажак сайловларнинг конституциявий асосларини аҳолининг кенг қатламига етказиш борасида Конституциявий суд, судлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ва оммавий ахборот воситаларининг вазифаларига оид масалалар муҳокама этилди. Семинар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Марказий сайлов комиссияси ва Журналистлар ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Унда номлари қайд этилган ташкилотлар, вилоятлар, Фарғона водийси шаҳар ва туманлари ҳокимликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бўлимлари вакиллари, журналистлар иштирок этди. Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М. Абдусаломов мамлакатимиз олий қонунчилик органига сайловнинг конституциявий асосларига тўхталар экан, икки палатали парламентга ўтиш юртимиз тараққиёти, бу борада Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришлар билан боғлиқ зарурат эканини таъкидлади.

АҚШ, Франция, Англия, Япония каби мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси амалий қонунларни қабул қилишни таъминлайдиган икки палатали парламентнинг самарали эканини кўрсатмоқда. Ўзбекистон фуқаролари ҳам мамлакатимиз Бош қонунида белгиланган конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишда қабул қилинаётган қонунлар сифати бўйича шахсий масъулиятини ҳис қилиши лозим. Бундай масъулиятни сингдиришда эса оммавий ахборот воситаларининг роли катта аҳамиятга эга.

Марказий сайлов комиссияси раиси Б. Мустафоевнинг маърузаси эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари таҳлилига бағишланди. У парламентнинг қонунчилик палатаси ва Сенатга сайловларнинг ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб, сиёсий партиялар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалаларга тушунтириш берди, сайловларда иштирок этиш давомида қонунларни бузиш бўйича жавобгарлик ҳақида гапирди.

Семинарда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Х. Дўстмуҳаммад, Адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев, Ички ишлар вазирлигининг тергов бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари М. Каримов, Олий суд судьяси Х. Ҳасанов ва бошқалар сўзга чиқди.

Тингланган маърузалар бўйича фикр алмашинди. Қатор тавсияномалар ишлаб чиқилди.

С. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

● ШАХМАТ

## Ўзбек шахматчиси — финалда!

Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган юз йигирма саккиз шахматчи орасидан сараланган икки нафари финалда ўйнайдиган бўлди. Халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов юртимиз шахмати тарихида илк маротаба жаҳон чемпионатининг финалида иштирок этади.

Ўзбекистонлик шахмат устаси нуфузли турнирнинг саралаш беллашувлари ва чорак финалида беш тажрибали шахматчи устидан ғалаба қозонган эди. Айниқса, жаҳон чемпионлигига даъвогар халқаро гроссмейстерлар — амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук (Украина) ҳамда россиялик Александр Гришукни мағлубиятга учратган Рустам мухлису мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Ниҳоят, ўзбекистонлик шахматчилар орасида биринчи бўлиб ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов ушбу босқичда жаҳон чемпионатининг энг кучли шахматчиси Веселин Топаловга (Болгария) қарши дона сурди.

Мусобақа давомида Рустам ишончли ўйин кўрсатаётган бўлса-да, аксарият мутахассислар финалга чиқиш учун энг кўп рейтинг очкога эга В. Топаловнинг имкониятини юқори баҳолашган эди. Лекин ҳамюртимиз энг кучли шахматчи билан ҳам тенгма-тенг ўйнаш мумкинлигини исботлади.

Жаҳон чемпионати қоидасига кўра, ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов В. Топаловга қарши, Майкл Адамс (Англия) озарбайжонлик Теймур Ражабов билан ўзаро тўртта партия ўйин ўтказди. М. Адамс рақибини дастлабки партияда енгиб, қолган учтасида дуранг ўйнади ва биринчи бўлиб финалга йўлланма олди.

Халқаро гроссмейстеримиз Р. Қосимжонов ва В. Топалов ўртасидаги баҳс анча кескин ва муросасиз кечди. Шахматчилар асосий тўртта партияда дуранг ўйнади — 2:2. Ғолиб тай-брейкда аниқланадиган бўлди.

Шу пайтда ҳам кўпчилик

(Давоми 8-бетда).

## УДАЧА ПРИХОДИТ К УМЕЛЫМ



Для того, чтобы надежно прикрыть свои подразделения от удара воздушного противника, мало иметь надежное боевое оружие, обладать стальными мускулами и железными нервами. Успешно противостоять воздушным асам может только специалист своего дела, интеллектуально развитый и обладающий большим кругозором военнослужащий, способный за считанные мгновения оценить ситуацию и принять единственно верное решение.

Когда Абдулла Якубов успешно прошел призывную комиссию и, опередив по числу набранных баллов многих своих земляков-ташкентцев, прибыл к месту службы, он искренне хотел стать военным водителем. Еще до службы в армии он научился водить собственную машину. Но командиры решили иначе. Умного и начитанного новобранца назначили в зенитное подразделение старшим наводчиком. И не ошиблись.

(Окончание на 2-й стр.).

● ЁЗГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРДАН ДАРАКЛАР

## Катта ютуқлар олдинда

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бекзод Ҳосилов бошчилик қилаётган артиллериячилар бўлинмаси ёзги ўқув мавсумини илк кунларидан яхши натижаларга эришмоқда. Чунки бўлинма аскарлари ҳисобчи-оператор оддий аскар Жасур Исломов ва разведкачи оддий аскар Отажон Қўзиев тиришқоқлиги ва ҳаракатчанлиги билан кўп ютуқларга эга бўлмоқда. Бу посбонлар ўз артиллериячилар кичик жамоасини илғорлар сафида кўришни мақсад қилиб қўйишган. Демак, уларнинг тинмасдан қилаётган ҳаракатлари бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ушбу бўлинма аскарларини спорт майдончасида, ўқ отиш шаҳарчасида ёки техник синфида учратиш мумкин.

— Биз аълочи бўламиз, деб ўз олдимизга мақсад қўйган эканмиз, демак сўзимизнинг уддасидан чиқишимиз керак, — дейди бўлинма командири кичик сержант Б. Ҳосилов. — Бунинг учун биз барча ҳарбий тайёргарликлар бўйича фақат аъло баҳоларга ўқишимиз керак ва шундай ҳам бўлади.

Яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотлари аъло натижалари бунга далилдир. Қўмондон томонидан аскарлар ташаккурномага сазовор бўлишди. Лекин катта жанговар ютуқлар — олдинда.

Майор Х. ЗАЙНИЛОВ.

●ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД—2004

## ФАРҲОДЛАРИ ОНТ ИЧИШДИ ЮРТИМНИНГ

**Яқинда Тошкент педиатрия медицина институтининг ҳарбий кафедрасида таҳсил олаётган талабалар ҳаётида муҳим воқеа рўй берди — улар тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.**

Офицер Ибодулло Саидвалиев сардорлиги остидаги ҳарбий қисм ҳудудида мазкур кафедра талабалари ҳарбий-ўқув йиғинини ўтказишганди. Йиғин якунида бўлажак захирадаги офицерлар Ватанимиз ва Президентимизга содиқлик ка қасамёд этиш учун саф тортишди.

Саф майдонида тўпланган ҳарбий кафедра талабалари Ҳарбий қасамёд қабул қилишига тайёр эканлиги ҳақида взвод командири майор Абдусаттор Баховутдинов ҳарбий қисм командири офицер Ибодулло Саидвалиевга ҳисобот бергач, қасамёдга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

# ФАРҲОДЛАРИ ОНТ ИЧИШДИ ЮРТИМНИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, курсант Фарҳод Мухторов жарангдор овозда муқаддас онт матнини ўқий бошлади. Тадбирга келган онаси ва укалари саф майдонига яна яқинроқ келишди. Уларнинг ҳам юзларида ҳаяжон, худди ўзлари қасамёд қабул қилаётгандек. Бироздан сўнг, талаба онасини таассуротларини ўртоқлашиш учун суҳбатга тортдим.

— Фарҳоджоним Ватан ҳимоячилари қаторига қўшилиб, бўлажак захирадаги офицер сифатида халқимиз ва Юртбошимизга содиқлик онтини ичганидан беҳад хурсандман, — дейди Хосият Аҳмедовна. — Оиламизда уч ўғил бор. Фарҳод энг каттаси, Азизжон эса юридик коллежида ўқияпти. Адҳам ҳали мактабда. Укалари бугун акасига ҳавас билан боқишди, улар ҳам Ватан олдидаги бурчини ўташга ҳозирданоқ тайёрланишмоқда.

Талабалар саф олдига бир-бир чиқиб, Ҳарбий қасамёд матнини эҳтирос билан ўқиётганига гувоҳ бўлган меҳмонлар қалби ғурурга тўлди. Ҳарбий либоси ярашган, қуролини маҳкам ушлаган алпқомат Фарҳодларимиз бор экан, демак халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳеч ким бузолмайди.

Ниҳоят, навбат тантанали йиғинга келди. Тадбирни қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Раҳимжон Шаропов қисқача кириш сўзи билан очди. Майдон узра Ватанимиз мадҳияси янгради. Талабаларни ушбу унутилмас воқеа билан Тошкент педиатрия медицина институтининг биринчи проректори Ҳуррам Ҳайдаров, ТошПМИ ҳарбий кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчи подполковник Тўрақул Раҳматов, талабалар ота-оналари номидан Меҳмон Абдусатторов ва Алевтина Завертяевалар қизғин қутладилар. Жавоб сўзига чиққан талаба Ойбек Тоиров ва Жасурбек Ҳамроевлар бугунги онтларига доимо содиқ қолишга, юртимиз равнақига ўз ҳиссаларини қўшишларига сўз беришди.

Митингдан сўнг бўлажак захирадаги офицерлар ўз касбий маҳоратларини меҳмонларга намойиш қилишди. Улар саф қўшиғи билан минбар олдидан шахдам қадамлар ташлаб ўтишди, қурол билан сафда қандай ҳаракат қилишни кўрсатишди ва қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишлар уюштиришди.

— Ҳарбий қисм қўмондонлигига самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман, — дейди дала-ўқув йиғини бошлиғи тиббиёт хизмати майори Кароматт Боқиев. — Улар ҳамма шароитларни яратиб берганликлари натижасида йиғинимиз муваффақиятли ўтди.

Ҳа, «халқ ва армия — якдил», деган нақлнинг яна бир исботи бу. Бўлажак шифокорлар ўқишни тамомлашгач, диплом билан бирга захирадаги офицер унвонини ҳам олишади.

**Майор Аблай КАМОЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф олган сурат.**

● **САФАРБАРЛИК ЧАҚИРУВИ РЕЗЕРВИДАГИ ХИЗМАТ**

# Жуда мамнунмиз

Яқинда Нукус гарнизони ҳарбий қисмларининг бирига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилган фуқароларнинг бир гуруҳи бир ойлик ҳарбий йиғинни ўташ учун етиб келишди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондонлиги ва ҳарбий қисм раҳбарияти СЧР бўйича хизматга чақирилган ёшларни тантанали равишда кутиб олишди.

Бу ерда ҳозир бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар хизматга чақирилган ёшларнинг яшаш, машғулотлар ўташ жойлари, овқатланиш ва дам олиш хоналарини кўздан кечиришди ҳамда улар учун яратилган шарт-шароитларга ижобий баҳо беришди.

— Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилган фуқароларнинг ойлик йиғинини бугунги кун талаблари даражасида ўтказилишига катта эътибор қаратиш биз ҳарбийлар учун доимий одатга айланган, — дейди СЧР батальони командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Тоҳир Матмусаев меҳмонлар билан ўзаро суҳбатда.

Бу борада уларнинг ўзлари ҳам ижобий фикрларини баён этишди.

— Мен, Пўлат Нуриллаев Нукус шаҳридан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилдим. Хизмат давригача Қорақалпоғистон Давлат университетининг иқтисодиёт соҳаси бўйича магистратурасини тугатдим. Мана, бугун бизни ҳарбийларимиз тантана билан қарши олишди. Бизга яратилган шароитлар билан танишиб чиқдик, шароит биз ўйлагандан ҳам яхши экан. Бунинг учун ҳарбий қисм раҳбариятидан миннатдормиз. Бу хизмат тури биз ёшлар учун берилган катта енгиллик, деб тушунаман. Сабаби, биз вақтдан ютамиз ва бир йил ичида ўрганишимиз керак бўлган ҳарбий тайёргарликни бир ой ичида ўрганиб чиқамиз ва кейин ўзимизга керакли бўлган ўқиш ёки иш билан шуғулланамиз. Умуман, биз СЧР хизматидан жуда мамнунмиз.

Шу билан бирга Хоразм вилоятидан чақирилган Баҳром Султонов, Санжар Атажанов ва Мансур Матқурбоновлар ҳам СЧР хизматга ўзларининг ижобий муносабатларини билдиришди.

**Шартнома бўйича**
**хизмат сержанти**
**Аманбай АРЗИЕВ.**
**(Факс орқали).**
**Нукус гарнизони.**

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

# УДАЧА ПРИХОДИТ К УМЕЛЫМ

Выросшему в столице независимого Узбекистана, где трудно кого-либо удивить самой современной техникой, Абдулле было легче, чем другим сослуживцам, осваивать сложную специальность, овладевать коллективным оружием, научиться правильно оценивать воздушную обстановку, уметь согласовывать свои действия с усилиями всех номеров расчета и задачами, решаемыми зенитной батареей в целом.

Вдумчивое и добросовестное отношение к своему делу помогли ему в короткий срок стать одним из лучших специалистов подразделения. В ходе несения боевого дежурства, а также на прошедших недавно занятиях по боевой готовности рядовому Якубову поручали выполнение самых ответственных учебно-боевых задач. И со всеми он справился успешно.

А что касается умения водить автомобильную технику, то и оно пригодилось воину-зенитчику. В сложной боевой обстановке он всегда готов подменить выбывшего из строя водителя боевой машины.

**В. НИКОЛАЕВ.**

Фото
**Александра МРУЧАКА.**



**Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар санъат илмини пухта эгаллашида тактик ўқув машғулотларининг ҳам ўрни салмоқли эканини эътироф этмай бўлмайди. Ўзаро фикрлар алмашинуви эса кўрилаётган масаланинг равон ва изчил ҳал бўлишини таъминлайди. Албатта, бундай кезларда тажрибали ва билимли офицерларнинг қимматли маслаҳати ғоят муҳим. Интеллектуал даражаси юқори бўлган сержантлар эса уларнинг биринчи ёрдамчисидир.**

Суратда: **шартнома бўйича хизмат кичик сержанти К. Раҳмонов, катта лейтенантлар О. Гусев** (чапдан иккинчи), **Б. Қулаҳмедов** (чапдан учинчи) **ва С. Ҳамрақулов тактик дала ўқув машғулоти олдидан.**

**Александр МРУЧАК олган сурат.**

# У ДОИМ ОЛДИНГА ИНТИЛАДИ

Шарофиддин ҳарбий хизматда янги одам эмас. Уч йилдан зиёд мотоўқчилар қисмида кичик сержант, катта механик-ҳайдовчи сифатида ҳалол хизмат қилган. Агар унинг аскарликда ҳам жанговар машина ҳайдовчиси, чегарачилар қисмидаги энг аълочи посбонлардан бири бўлганини эътиборга оладиган бўлсак, етарли тажриба тўплаган, ҳар қандай қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтишга кўниккан, дейишимиз мумкин. Мана, биргина мисол. Дала-ўқув машғулотлари пайтида юксак касбий тайёргарлиги, билими, маҳорати учун ҳатто генералнинг ҳам мақтовига сазовор бўлган. Аъло хизматлари учун кўп бора, Фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланган.

Албатта, кичик сержант Шарофиддин Суюновнинг кўплаб ютуқларга сазовор бўла олгани, сафдошлар, командирларнинг ҳурматини қозонишда болаликдан шаклланган хислатлари, оила муҳитининг ҳам таъсири катта. Кўп фарзандли оиланинг кенжаси, эркатойи бўлишига қарамай, у меҳнатда роса тобланган. Ахир, Муҳиддин ака пешона тери билан кун кўрадиган деҳқон. Икки гектар ерга экин экиб, ишлов бериш, ҳосилни йиғиб териб олиш эса кўпчиликнинг иши. Деҳқоннинг оиласи, фарзандлари бир тану бир жон, уюшқоқ бўлмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди-да. Шарофиддин ана шундай меҳнаткаш оилада камол топган, тарбияланган йигит.

Тўғриси, шунинг учун ҳам ҳарбийдаги муваффақиятлари назарида нисбатан осонроқ қўлга киритилганга ўхшайди, унга. Бунга қўшилмасдан илож йўқ. Кўринишдан камгап, забардаст бу йигитнинг кўп йиллик ҳарбийлик фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Аълочи посбон бугунги кунда ўзи эришган натижалар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Замон, бугунги кун талабларига мос, сафдошларга ҳар томонлама намуна кўрсата оладиган профессионал посбон бўлишга қатъий аҳд қилган. Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабида Дилшод Мирзақулов, Алишер Тўхтамишев, Зоҳид Ҳакимов каби сафдош дўстлари, курсантлар билан катта иштиёқ ила устоз-офицерлардан кенг қамровли билимлар олаётгани ҳам шундан. Ҳар ҳолда техник-мутахассислик тайёргарлиги бўйича унча қийналмаса ҳам, кўплаб фанларни, жумладан, ҳарбий педагогика ва психология, ҳарбий ҳуқуқ асосларини, шахсий таркиб билан ишлашнинг ўзига хос томонларини яхшилаб ўрганиши керак. Энди кўпроқ китоб ўқимаса, маънавий-руҳий хислатларини шакллантириш учун жиддий интилмаса бўлмайди. Ахир мактабни тугатгач, унга катта ишонч билдириб, масъулиятли лавозим — катта техникликни ишониб топширишлари аниқ. Шарофиддиннинг аллақачон аълочи курсантлар сафидан жой олгани эса унинг юксак масъулиятидан, илғорликка эришиш йўлларидан яхши хабардорлигидан далолат беради.

**Майор Азимбек УСМОНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# Мажбуриятларини бажармоқда

Оддий аскар Дилшод Умаровнинг Ватан ҳимоячилари сафига қўшилганига эндигина икки ой бўлди. Шунга қарамасдан, бу посбон барча ҳарбий тайёргарликлар бўйича кўп ютуқларга эришяпти. Чунки Д. Умаров жанговар маҳоратини ошириш йўлида тинмай ўз устида меҳнат қилади.

Мана, яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотларида оддий аскар Умаров нимага қодир эканлигини яна бир бор исботлади. У командир қўйган жанговар вазифани вақтида ва сифатли бажарди. Шунинг учун ҳам офицер иккиланмасдан аскарга ташаккурнома эълон қилди.

— Мен ва дўстларим — оддий аскарлар Тимур Машуров, Даврон Абдуллаевлар ёзги ўқув мавсумида юқори мажбуриятлар олганмиз, — дейди оддий аскар Дилшод Умаров. — Биз сафдошларимиз билан биринчилар қаторида бўлишга аҳд қилганмиз. Демак, юқори натижаларга эришиш учун биз тиришқоқ ва ҳаракатчан бўлишимиз керак. Шундай бўлади ҳам.

Юқорида тилга олинган аскарларнинг ҳарбий тайёргарликлар бўйича ҳозирги аъло баҳолари ўз-ўзидан айтиб турибди, бу посбонлар мажбуриятларини албатта бажаришади.

**Майор З. ХАЙРИТДИНОВ.**

